O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
20 IYUN
PAYSHANBA
№ 77 (26.936)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Оталар сафимиз олдида мағрур,
Узоқни кўзлаган бургут нигоҳи.
Кўкси қоя эрур фарзанди учун,
Оқсоқол оталар Ватан паноҳи!
Бошларида дўппи, белида белбоғ,
Ортидан ёшлик ташлайди қадам,
Оқибат устуни, ўтмиш гувоҳи,
Оталар мангуга бўлсинлар бардам!

✧✧✧

Суратда:
Тўрақўрғон тумани оқсоқоллари
■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

АКС-САДО

РАҒБАТ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Президентимизнинг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эл-юрт манфаати йўлида жон фидо қилиб ишлаётган тадбиркорлар учун айни муддао бўлди.

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси: — Вилоятда ҳориж сармояси иштирокида янгидан барпо қилинажак устав жамғармаси 75 минг АҚШ долларидан кам миқдорда бўлган корхоналар энди ҳорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар статусига кирмаслиги — ҳудудга шу йўналишдаги корхоналар сонининг ошишига имкон яратади. Яъни, хориждан инвестор топган тадбиркор энди корхонасини рўйхатдан ўтказиш учун ортиқча оворагарчиликка дучор бўлмайди. Бу жараён бошқа оддий корхоналар каби маҳаллий ҳокимликларда рўйхатдан ўтказилади. Юртбошимизнинг бу ғамхўрлиги натижасида яқин кунларда вилоятда кўплаб янги корхоналар иш бошлашига замин яратилди. Бу янги-янги иш ўринлари ва мўл-кўл халқ истеъмол моллари, деганидир.

Ёки фармонда таъкидланган солиқ борасидаги имтиёзларга эътибор беринг: агар шу кунгача имтиёз берилаётган 262 та ўрта ва 969 та кичик корхоналар ойига миллион-миллион сўмлаб солиқ тўлаётган бўлсалар, эндиликда ана шу миқдордаги маблағнинг тенг ярмиси тадбиркор ёнида қолади. Тадбиркор бу билан тежаб қолинган маблағ ҳисобидан янги иш ўринларини кенгайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жалб қилиш имконига эга.

Комил ЁҚУБОВ, «Хоразмсервис» ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи: — Юртбошимизнинг бу ғамхўрлигини соддалаштириб айтадиган бўлсак, ишлаб топган маблағнинг энди бир қисми тадбиркорга мукофот сифатида қолади. Масалан, биргина бизнинг корхонамизда ишлаб чиқариш кўрсаткичларига қараб, ойига ўртача 250-300 минг сўм миқдорида турли солиқлар тўлаётган бўлсак, энди шунинг ярмиси бизники! Ҳозир корхонамизда 13 киши ишлаяпти. Тежалган маблағ ҳисобига яна 3-4 кишини ишга қабул қилиб, фаолиятимизни янада кенгайтириш имконимиз бор.

Мана, сизга ишлаш учун кенг шароит!

■ **Суҳбатни Рўзимбой ҲАСАН ёзиб олди.**

БАҲС ҚИЗҒИН

МОСКВА, 19 июнь. ЎзА махсус мухбири Муҳаммад АМИН хабар қилади.



Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари халқаро ўсмирлар спорт ўйинлари давом этмоқда.

Қизғин ўтаётган мусобақаларда енгил атлетикачимиз — Тошкентдаги 225-мактаб ўқувчиси Светлана Радзивил баландликка сакраш бўйича иккинчи ўринни эгаллади ва кумуш медаль соҳибаси бўлди. Самарқанд олимпия ўринбосарлари коллежида таҳсил олаётган ёш самбочи Камол Аҳматов эса 51 килограмм вазнли полвонлар баҳсида бронза медалини қўлга киритди.

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ЯНА ЎЙЛАБ КЎРИШ УЧУН

Сешанба куни тушдан сўнг Афғонистон президенти Ҳамид Карзай Лойя жирга делегатлари мажлисида нутқ сўзлади. Бу нутқ Лойя жирганинг эрталабки йиғинида ўқилиши кўзда тутилган эди. Аммо делегатларнинг бир қисми норозилик билдириб, мажлисни ташлаб чиқиб кетишганди.

Мажлисда янги ҳукумат таркиби эълон қилиниши лозим эди. Бу ҳақда президент ёрдамчиси Ашраф Хон Аҳмадзай маълумот берган. Афғонистон ташқи ишлар вазири Абдулла Абдуллонинг матбуот анжуманида айтишича, Карзай мудофаа, ички ишлар, адлия, молия ва шунингдек, ташқи ишлари вазири лавозимларига янги номзодлар рўйхатини эълон қилиши керак эди. Лекин у бундай қилмади. Вазирлар Маҳкамасининг янги таркибини эълон қилишдан олдин, номзодлар устида яна ўйлаб кўриш учун Лойя жирғадан бир кун муҳлат сўради.

Карзай собиқ шоҳ Зоҳир Шоҳ билан айрим масалалар хусусида маслаҳатлашиб олиши лозимлигини уқдирди. Шунингдек, маҳкаманинг тизими ҳақида ҳали аниқ бир тўхтамга келмаганини айтди. Вазирликлар масаласини кўриб чиқиш учун Лойя жирга мажлисини чоршанба кечга яқин ўтказишга келишиб олинди. Афғонистон янги президентининг президентликни қабул қилиш тантанали маросими ҳам шу кунга қолдирилди.

ДЕҲҚОНЛАР ЙЎЛНИ ТЎСИБ ҚЎЙИШДИ

Мингдан ортиқ деҳқонлар Сербиянинг жанубидаги Белград — Ниш автомобиль йўлини тўсиб қўйишди. Шу кўйи улар мамлакатга четдан сабзавот импорт қилинишига қарши норозилик билдиришмоқда. Ҳозир Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вакиллари норозилик билдирган деҳқонлар билан музокаралар олиб бормоқда.

СУД БОШЛАНДИ

2000 йил 11 ноябрь куни Австриянинг Капрун тоғ чанғичилари санаторийси ҳудудида юз берган фожиадан сўнг унинг айбдорлари қўлга олинган эди. Куни кеча улар устидан суд бошланди.

Ўшанда Китцштайнхорн тоғидаги туннелдан ўтаётган поездда ёнғин чиқиши оқибатида 155 киши ҳалок бўлган эди. Атиги 12 киши тирик қолганди. Ҳалок бўлганлар орасида Германия, АҚШ, Япония ва Австрия фуқаролари бор эди. Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, суд шу йил сентябргача давом этади.

ХАЛҚАРО ҲАРБИЙ МАШҚЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тбилиси шаҳри яқинидаги Вазиани ҳарбий базасида НАТОнинг «Cooperative Best Effort — 2002» халқаро ҳарбий машқлари бошланишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ҳарбий машқларда НАТОга аъзо 6 давлат — Канада, Греция, Венгрия, Туркия, Буюк Британия ва АҚШнинг, шунингдек, алянса шерик 9 давлат — Арманистон, Австрия, Озарбайжон, Болгария, Грузия, Литва, Молдова, Руминия ва Украина ҳарбий кучларининг 400 га яқин ҳарбий хизматчиси қатнашмоқда.

САИДА «ТИКО»ЛИ БЎЛДИ



■ Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Бухорода бўлиб ўтган республика олий таълим муассасалари талабаларининг иккинчи анъанавий универсиада мусобақаларида янги номлар кашф этилиб рекордлар ўрнатилди. Ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами унинг қатнашчилари хотирасида бир умр сақланиб қолиши шубҳасиз.

Саида Искандарова Тошкент Давлат аграр университети магистранти. У «Универсиада — 2002»да чалқанча сузиш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб икки марта олтин медаль соҳибаси бўлди. Яқинда Тошкент вилоят ҳокимлиги томонидан спортчи талабага «Тико» автомобилининг калити топширилди. Сузиш бўйича Осиё чемпиони, жаҳон ва олимпиада ўйинлари қатнашчиси, халқаро миқёсдаги спорт устаси Саида Искандарова камтар ва қувноқ қиз. Унинг келажакдаги орзуи — менежмент бўлиш.

Дарвоқе, шу куни Бухородаги спорт мусобақаларида университет шарафини муносиб ҳимоя қилган талаба спортчиларни тақдирлаш маросими бўлди.

— «Универсиада — 2002» мусобақаларида иштирок этган 103 талабамиздан 16 нафари олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлди, — деди Тошкент Давлат аграр университети ректори Ҳ.Бўриев. — Университетимизда талабаларнинг кенг билим олиши билан бир қаторда спорт билан шуғулланиши учун ҳам барча шароит яратилган. Бунинг натижаси ўлароқ, талабаларимиз нуфузли мусобақаларда юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов иштирок этиб, ғолибларга эсдалик совғаларини топширди.

✧✧✧

Суратларда: спортчи талаба, «Тико» автомобили соҳибаси Саида Искандарова.

ҲАММА ГАП МЕҲНАТДА, МАНФААТДОРЛИКДА...

Сурхон воҳаси ғаллакорлари республикамизда биринчи бўлиб шартномавий режани ортиғи билан бажардилар

Вилоят ғаллакорларининг бугун юзлари ёруғ. Мамлакат йўлбошчисининг самимий тилаклари мужассам бўлган табрик мактубини эшитиб, воҳа деҳқонларининг боши осмонга етди. Астойдил меҳнат қилиб, ҳалол пешона тери тўккан заҳматкаш, фидойи инсонларнинг йил бўйи қилган самарали ишлари ўз натижасини берди: 224 минг 800 тоннадан зиёд сара дон хирмони бунёд этилди. Ҳали Сурхондарё ғаллачилик тарихида бундай улкан ютуққа эришилмаган эди. Вилоят деҳқонлари 25 кун ичида мамлакатимизда биринчи бўлиб шартномавий режани уддаладилар. Ўртача ҳосилдорлик 42 центнерни ташкил этди. Яна бир бора таъкидлаймиз, бу — ўртача ҳосилдорлик. Сурхон далаларидан гектар бошига 70-80 центнердан ҳосил олишган миришкорлар оз эмас. Жарқўрғонлик пудратчи Тошниёз Холлиев 70 центнердан дон олди. Сариосиёлик пудратчи Бобомурод Тошниёзов эса 100 центнердан ҳосил олди.

Хабарингиз бор, яқиндагина Сурхон воҳасининг Қизириқ ва Жарқўрғон туманлари ғаллакорлари республикамизда биринчи бўлиб давлатга ғалла топшириш режаларини уддалаган эдилар. Бундай катта муваффақият, меҳнатда эришилган ютуқ учун ҳар иккала туман меҳнаткашларига Юртбошимиз Ислом Каримов табрик йўллади.

Куни кеча эса Президентимизнинг Сурхондарё вилояти ғаллакорларига йўллаган табрик мактублари вилоятда барчани руҳлантириб юборди. Нима бўлганда ҳам бундай меҳнат самараларини «шунчаки омад» ёки «йилнинг яхши келиши»гагина боғлаш у қадар тўғри бўлмас. Албатта, Оллоҳга шукр, баҳор серёғин бўлди. Ғаллачиликда юқори ҳосил берадиган «Крошка», «Половчанка», «Чиллаки» каби навлари экилди. Зарур бўлган кимёвий ва маҳаллий ўғитлар фақат «маълумотлар учун» эмас, балки тўлиқ дала майдонларига берилди. Агротехника талабларига қатъий амал қилинди...

Бу юмушлар яхши, албатта. Аммо, меҳнатдаги муваффақиятнинг асосий сири, тўғрироғи сабабчиси, бу аввало меҳнатга бўлган муносабатда! Ширкатлар, пудратчилар ва фермерлар ишонч билан меҳнат қилишаётганида, ернинг ҳақиқий эгаларига, яъни ерни меҳнат қилиб, манфаат топиб, давлатга ҳам нафим тегсин, деб ишлайдиган одамлар қўлига берилишида бўлди.

Президентимиз айнан шу ҳақда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўз юритиб, мулкка, ерга муносабат ўзгармаса, деҳқонда ерга нисбатан эгалик ҳиссиёти бўлмаса, кўзланган натижага ҳам эришиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Воҳанинг эришган бу ютуғига вилоятдаги ҳар бир туманнинг муносиб ҳиссаси бўлса-да, Жарқўрғон, Қизириқ, Термиз, Музработ, Шеробод, Сариосиё, Денов, Ангор туманларининг ўрни салмоқли бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТАШВИШЛИ ҲОЛАТ

СИФАТСИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

БОЗОРЛАРДА, ТИЖОРАТ ДЎКОНЛАРИДА КЎПАЙИБ БОРМОҚДА. БУНДАН БЕГУНОҲ ОДАМЛАР АЗИЯТ ЧЕКМОҚДА, ҲАТТО БАЪЗАН ФОЖИА ҲАМ РЎЙ БЕРМОҚДА

Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотга кўра, 2000 йилда мамлакатимизда 162 киши озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланган, улардан 9 нафари вафот этган. 2001 йилда эса 192 та заҳарланган фуқаролардан 13 тасининг ҳаёти ўлим билан тугаган. 2002 йилнинг дастлабки 3 ойида 51 киши заҳарланган, улардан 7 нафари ҳаёт билан видолашди.

Маълумотда таъкидланишича, бу фожиалар асосан тез бузилувчи маҳсулотлар, уй шароитида тайёрланган консервалар ва заҳарли қўзиқорин ҳамда ўсимликларни истеъмол қилиш оқибатида содир бўлмоқда. Бундай ҳодиса айниқса Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида кўп учрамоқда.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида тегишли қонун ва қарорлар, шунингдек бир қанча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Текширувлар тартибга солиниб, назорат қилинадиган бўлди. Текшир-текширлардан, фаолиятига асоссиз аралашувлардан ўзини эркин ҳис қилган тадбиркорлар бозор ва дўконларимизни турфа хил маҳсулотлар билан тўлдирмоқдалар.

Бозор пештахталарини ёки тижорат дўконларини айлансангиз, бу ердаги маҳсулотларни кўриб кўзингиз қувонади. Юртимизда етиштириладиган маҳсулотларни қўя турайлик, Африканинг бананидан тортиб ананасгача, Владивосток селёдка консерваларидан то Голландиянинг сарёғу гўштигача муҳайё. Ҳинд, Цейлон чойининг ўнлаб тури, ичимликларнинг юзлаб хилини деярли ҳамма дўконларимиздан топишингиз мумкин. Дунёнинг етти иқлимидан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиб, дастурхонимизни тўкин этаётганларга албатта, офаринлар ўқийсиз. Лекин яратилаётган имкониятлардан ҳамма тадбиркорлар ҳам тўғри фойдаланишаяптими? Дўконлардаги ҳамма озиқ-овқат маҳсулотларини сифатли, истеъмол қилишга яроқли, деб бўладими?

Бирорта таом тузсиз тайёрланмайди. Туз ҳар куни истеъмол қилинади. Лекин, кўпчилик назарида туз ҳеч қачон бузилмайди. Ундан зиён келмайди. Аммо тузнинг ҳам сифатига кўп нарса боғлиқ. Таркибида йод моддаси бўлмаган ёки жуда кам миқдорда бўлган ош тузи истеъмол қилган кишиларда буқоқ касаллигига чалиниш ҳоллари кўпайишини мутахассислар кўп таъкидлашади. Йод моддаси танқислиги болалар организмидаги қалқонсимон безнинг катталашувига сабаб бўларкан. Оқибатда юрак хасталиклари хуруж қилиши, бош мия функциясининг бузилиши каби оғир асоратлар юзага келиши мумкин экан.

Бухоро вилоятида сифатсиз туз савдоси айниқса авж олган. «Сурхондарё вилоятидаги «Хўжаикон» ош тузи кони ҳисобидан фаолият кўрсатаётган «Бухоротуз» шўъба корхонаси таъминотни эплай олмаяпти. Натижада, бу ҳол «тадбиркор»ларга қўл келмоқда. Улар юзига «Ўзбекистон», «Тошкент», «Сурхондарё», деб ёзилган, «йодланган ош тузи» тамғаси босилган елим халтачаларни сотиб олиб, ичига «қўлбола» туз жойлаб харидорларни лақиллатиб келишмоқда. Ғиждувон туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари Ибн Сино номли ширкат хўжалигида яшовчи Суннат Яҳёев уйида туз майдалаш цехи борлигини аниқлашди. У ҳар ҳафта ҳамтовоқлари Навоийдан келтираётган 20-30 тонна тузни «ҚДУ» мосламасида майдалаб бериб турган. Майдаланган тузлар эса тўғридан-тўғри сотувга чиқарилаверган. Демак, ҳафтада 30 тонна йодланмаган туз истеъмолга чиқарилаверган!

Ғиждувон шаҳар, Бобораҳим Машраб кўчасида яшовчи Мавжуда Сирожева ҳам одамларга фақат дард олиб келувчи йодланмаган туз сотишни касб қилиб олган экан. Унинг уйидан 1 тоннага яқин йодланмаган туз ва махсус ёзувли елим халтачалар топилди.

«Жиззах шаҳридаги «Эски шаҳар» универсал бозори ҳудудидаги хусусий дўкон сотувчилари А.Муродова, Г.Аҳмедова, В.Хайруллаева ва С.Яхшиликовлар сотаётган ош тузи текширилганда истеъмол учун яроқсиз эканлиги аниқланди. Шу йилнинг дастлабки 4 ойида Жиззах шаҳридаги бозор ва дўконларда сотилаётган ош тузидан 37 жойда намуна олиб текширилганда, шундан 27 тасининг таркибида йод моддаси умуман йўқлиги маълум бўлди.

(Давоми 2-бетда)

ТАШВИШЛИ ҲОЛАТ

СИФАТСИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Натижада 1 тонна 569 килограмм ош тузи сотувдан олиб ташланди.

Халқимиз нон ва тузни муқаддас билади. Ҳатто нон-туз номи билан қасам ичилади. «Туз тотган жойинга қирқ кун салом бер», деган ҳикматли гап бор. Ўз қорнини ўйлаб халқимиз азиз билган тузни оёқости қилиш, бу хатти-ҳаракати билан инсон саломатлигига зиён етказаётган нафс бандаларига нима дейиш мумкин?

Йодланмаган туз «бизнес»и фақат Бухоро ва Жиззахда кузатилаётган ҳодиса эмас. Ташвишли бундай ҳолатлар барча вилоятларда учрамоқда. Фарғонада ҳам жорий йилда 1513 килограмм ош тузи истеъмолдан олиниб, йўқ қилинган.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятчиликка қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ўтган йили «Эски жўва» бозорида фуқаро А.Одиловдан 3000 килограмм ва И.Усмоновдан 3880 килограмм туз маҳсулотлари олиниб, лабораторияда текширтирилганда истеъмолга умуман яроқсизлиги аниқланган. Пойтахтнинг қоқ марказида мана шундай ҳолатнинг бўлиши ачинарли эмасми? Вақтида аниқланмаганида пойтахтлик қанча фуқаро бу сифатсиз маҳсулотдан фойдаланиб, азият чеккан бўларди. Аммо бу аниқланиб, ушлаб қолинганлари, холос.

Қашқадарё вилояти стандартлаш, метериология ва сертификатлаштириш ҳудудий бўлими томонидан текшириш натижасида Сурхондарёда қадоқланган катта миқдордаги ош тузи белгиланган андозаларга мос эмаслиги, мувофиқлик сертификати йўқлиги аниқланган.

Бошқа вилоятлардан ҳам бундай мисолларни келтириш мумкин.

Туз «бизнес»и тегишли идоралар томонидан қаттиқроқ назорат қилинмаса, янада оғир тус олиб кетиши мумкинга ўхшайди.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚСИЗ!

Халқимиз гўштли овқатларни хуш кўради, гўшт кўп ейди. Деярли барча таомларимиз гўштдан тайёрланади. Қаерга борманг — ош, кабоб, сомса, товуқ, балиқ...

Хўш, биз тановвул қилаётган гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сифати қандай?

Тошкент шаҳри. Тегишли рухсатномасиз ёки тиббий кўрикдан ўтказилмаган гўшт маҳсулотлари билан савдо қилиш пойтахт бозорларида ҳам авж олган. Ростини айтганда, 500-600 километрлаб йўл босиб вилоятлардан олиб келинаётган гўштларнинг сифатига бир нарса дейиш қийин. Аксарият ҳолларда пойтахт бозорларига сўйилган қўй ва мол гўштлари автобус юкхоналарида олиб келинади. Етиб келгунича турли микроб ва касаллик тарқатувчи инфекциялар тушмайди, деб ким кафолат бера олади?!

«Эски жўва» бозорида солиққа оид жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари ўтказган тезкор рейдда бир нечта фуқаролар ҳеч қанақа ҳужжатсиз савдо қилаётганлиги аниқланди. «Тадбиркор»лар М.Жўраев 634 килограмм, С.Раҳмонов 234 килограмм ва А.Рўзиев 1221 килограмм гўштни бемалол сотиб ўтиришган экан. Уларга жойни ким берган, текширувдан ўтказилмаган гўштни сотишга-чи? Бундан бозор маъмурияти наҳотки бехабар бўлса?

Тошкент вилояти. Ўтган йили 7854 килограмм дан ортиқ гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмолга яроқсизлиги учун санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан савдодан чиқариб ташланган. Жорий йилнинг дастлабки 4 ойида Чиноз туманидаги «Мингчинор» деҳқон бозорида 290 килограмм балиқ ва Бекобод шаҳар марказий деҳқон бозорида 100 килограммга яқин гўштнинг сифатсизлиги аниқланган.

Марказ маълумотномасига эътибор беринг: **«4456 килограммдан зиёд сут, 417 килограммдан зиёд нон, 619 килограммдан ортиқ шакар ва қандолат маҳсулотлари, 9302 килограммдан зиёд сабзавот ва турли хилдаги консерва маҳсулотлари лаборатория таҳлилларига кўра, истеъмолга яроқсизлиги учун савдодан олиб қўйилди ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида йўқ қилинди.**

Биргина Чирчиқ шаҳрида ўтган йили 9515,322 килограмм истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари аниқланган, Янгийўл шаҳрида бу кўрсаткич консерва маҳсулотлари бўйича 16 690 килограммдан зиёд бўлди...»

Эътиборингизни марказнинг яна бир ҳужжатига қаратамиз:

«2002 йилнинг, ўтган тўрт ойи мобайнида 1685 килограммдан зиёд сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари аниқланиб, инсон саломатлигига таъсир қилувчи шу турдаги маҳсулотлар мутасадди ташкилотлар билан биргаликда йўқ қилиб ташланди... Чиноз туманидаги «Мингчинор» деҳқон бозорида 290 килограмм бузилган балиқ, Куйи-чирчиқ тумани ҳудудида жойлашган «Венера» хусусий дўконидан 100 килограмм «Ўзбекистон» навли ун, Чирчиқ шаҳридаги «Тошхўжа ота», «Шафика» хусусий дўконларида истеъмолга яроқсиз 12 килограмм консерваланган кўзиқорин, ҳарбий савдо бирлашмаси (ҳарбий савдо)га қарашли қандолат цехида 80 килограмм консерваланган «Джем» мураббоси, Юқоричирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» савдо маркази омборхонасидан Кува қандолат корхонасида ишлаб чиқарилган 211 килограммдан зиёд қандолат маҳсулотлари, Бекобод шаҳар марказий деҳқон бозорида 147 килограммдан зиёд нон ҳамда сифатсиз гўшт маҳсулотлари савдодан олиб қўйилди.

Санитария қоидаларини шу тахлитда бузганлиги учун «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунга мувофиқ 477 нафар жавобгар шахсга жарима солинди. Ҳозиргача 2 миллион 720 минг сўмдан зиёд жарима ундирилиб олинди».

Ўртачирчиқ туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи Гулбаҳор Муҳаммедова билан хусусий дўконларни айландик.

Тадбиркор Машҳура Раззоқовага тегишли бўлган учала дўконда ҳам Россияда ишлаб чиқарилган «СМАК масло» ва бошқа номдаги сарёғ ҳамда маргаринлар, турли хил консерваларнинг сифат сертификати йўқ экан. Туман марказида жойлашган Ғайрат Обидовга тегишли дўконда эса Россия ва бошқа Ҳамдўстлик давлатларида ишлаб чиқарилган сарёғ маҳсулотлари ҳам сертификатсиз сотилмоқда. Улар бу маҳсулотларни пойтахтдаги «Карвон» бозоридан сотиб олишганини айтишдан бошқа баҳона топишолмади.

— Марказимиз жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 910 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини текширувдан ўтказиб, уларнинг 21 турини санитария талабларига жавоб бермаганлиги учун сотувдан олиб ташлади, — изоҳ берди бош врач.

Фарғона вилояти. «Марғилон шаҳар «Деҳқон бозори»нинг калла-туёқ гўшти билан савдо қилинадиган растасида «кеп қолинг, калла гўштининг аслига!» дея харидор чорлаётган Қобилжон Мажоновнинг маҳсулоти текширувда сифатсиз бўлиб чиқди.

Вилоят санитария-эпидемиология назорати маркази маълумотига кўра, вилоятдаги деҳқон ва буюм бозорларида 387 килограмм гўшт ва гўшт маҳсулотларининг сифатсизлиги аниқланган.

Бундай ҳолатларни вилоятнинг бошқа жойларида ҳам кўриш мумкин. Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази берган маълумотларга кўра, 2002 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги деҳқон ва буюм бозорларида ўтказилган санитария текширувлари жараёнида 442 кило ўсимлик ёғи ва ёғ маҳсулотлари, 1513 кило ош тузи, 370 литр салқинлантирувчи ичимликлар сифат кўрсаткичлари ёмонлиги учун истеъмолдан олиниб, йўқ қилинган. Тасаввур қилинг, шу маҳсулотларни аҳоли, айниқса, болалар истеъмол қилганда нима бўларди?

Жиззах вилояти. Қадимдан бизда нима кўп қўлбола тайёрланган таомлар кўп. Бозордами, вокзалдами, бекатдами уйида овқат тайёрлаб сотаётган кўп. Тадбиркорликка эркинлик берилгач, тирикчиликнинг бу тури янада ривожланиб кетди. Ширин, тоза таомлар тайёрлаб сотаётганларга раҳмат. Ҳалоли бўлсин. Аммо... Жиззах шаҳрининг «Эски шаҳар» бозорида санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари текширув ўтказганда А.Абдураҳмонов, Ш.Ҳакимов, Қ.Қосимова ва М.Абдуллаев каби «тадбиркор»лар тайёрлаган кабоб ҳамда хасип учун ишлатилган гўшт қиймаси истеъмолга мутлақо яроқсизлиги маълум бўлди. Шу бозорда жорий йилнинг дастлабки 4 ойида 96 кг. гўшт истеъмолга яроқсизлиги учун савдодан олиниб, йўқ қилинган.

ЁҒФУРУШЛАР, ЧОЙФУРУШЛАР ВА БОШҚА... ФУРУШЛАР

Самарқанд вилояти. Вилоятда тадбиркорлик ниқоби остида яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар, шунингдек, бошқа турдаги маҳсулотлар сотилаётганлигини кўплаб учратиш мумкин.

Апрель ойидаги маълумотларга кўра 2,28 тонна пахта ёғи, 0,372 тонна шакар ва 22,761 тонна бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга яроқсизлиги туфайли савдодан олинган.

Каттақўрғон шаҳар «Деҳқон бозори», шунингдек, Самарқанд шаҳри, Иштихон, Каттақўрғон, Қўшработ каби аксарият туманлар ҳудудидаги бозорлар ва савдо марказларида инсон саломатлиги учун зарарли, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар савдоси оддий ҳолга айланиб қолган.

Вилоятдаги деҳқон бозорларида сотилаётган, истеъмолга яроклилиги кафолатланмаган, сертификатсиз ўсимлик ёғи, ун ва ун маҳсулотлари, колбаса, спиртли ҳамда салқин ичимликлар савдосини ҳар куни кўриш мумкин. **Биргина Қўшработ тумани «Жума» деҳқон бозорида истеъмолга яроқсиз пахта ёғлари бир неча бор савдодан олиб қўйилди. Аммо бу муаммога ҳамон чек қўйилгани йўқ.**

Вилоят Солиқ бошқармаси томонидан 151 марта текширув ўтказилган, 187 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, 14 таси маъмурий жаримага тортилган. 37 та ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатлар судга, 11 таси Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментига юборилган.

Қаранг, сифатсиз, ноқонуний маҳсулотлар олиб қўйилмоқда, айбдорлар жазога тортилмоқда. Афсуски, бу билан муаммо ҳал бўлмаётир. Эҳтимол мутахассислар бу масалада ўз фикрларини билдиришар. Лекин одамнинг ўзига инсоф бермаса қийин экан.

Мўмай даромад топиш илинжида ҳуфёна йўллар билан мамлакатимизга сифатсиз, истеъмолга яроқсиз молларни олиб келаётганлар ёки ўзимизда қўлбола тарзида тайёрланган, ҳеч қандай текширувдан ўтмаган молларни сотаётганларга нима дейиш мумкин?

Қашқадарё. Вилоят божхона ходимлари давлат андозаси талабларига жавоб бермайдиган 17 миллион 632 минг сўмлик маҳсулотни ушлаб қолишган. Ўтган йили хусусий тадбиркор К.Ниёзметовга тегишли жами 6038 АҚШ долларига баҳоланган 20132 килограмм қора чой муддати ўтганлиги учун мусодара қилинган, материаллар вилоят прокуратурасига юборилди. Эътибор қилинг, 20 тонна сифатсиз чой!

Вилоятдаги кўплаб бозорларда, тижорат дўконларида қачон ишлаб чиқарилгани номаълум озиқ-овқат маҳсулотларини истаганча кўриш мумкин.

Бухоро вилояти. Ўтган йили санитария назорати томонидан ўтказилган текширишлар давомида сифатсиз, сақланиш муддати ўтган 80777,1 килограмм озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, 152,5 килограмм сут ва сут маҳсулотлари, 58335,7 килограмм ун, дон, крупа, 128,75 килограмм қандолат маҳсулотлари, 777,5 килограмм ўсимлик ва ҳайвон ёғи, 6262,5 килограмм мевасабзавот, 10868 килограмм туз, 213,92 килограмм консерва, 8,5 килограмм чой йўқ қилиб ташланган. Истеъмолга яроқсиз, деб топилган бу маҳсулотлар асосан Бухоро шаҳри, Ғиждувон, Бухоро, Қоракўл, Пешку, Когон, Вобкент, Жондор, Шофиркон, Олот, Ромитан туманлари «ҳисса»сига тўғри келади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан 956 килограмм нон, 862 литр ёғ, 950 килограмм гуруч сифатсизлиги учун йўқ қилиб ташланди. «Бухороозиқовқаттаъминот»дан 950 килограмм гуруч, «Бухорошароб» ҳиссадорлик жамиятига қарашли омбордан 1252 килограмм донали ёғ сифатсизлиги ҳамда инсон соғлигига зарар етказиши мумкинлиги учун йўқотилди.

Қоракўл туманидаги умумий овқатланиш корхонаси нон ва қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Аммо бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Ўзбекистон» нони физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича мутлақо талабга жавоб бермаётир. Шу боисдан ҳам 109 дона, 9047 сўмлик нон истеъмолдан олиниб, мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ромитан туманидаги «Ширинон» савдо-ишлаб чиқариш корхонасида нон сертификатланмаган ҳолда савдога чиқарилган. Корхона раҳбарига нисбатан 64870 сўм миқдорида жарима қўлланилди.

«БИЗ ХУСУСИЙМИЗ... БУ ЎЗИМИЗНИНГ ИШИМИЗ»

Сурхондарё вилояти. Вилоятда 2000 ва 2001 йиллар давомида истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни тановвул қилиш натижасида ҳар хил ўткир ошқозон-ичак касалликларига чалинган беморлар сони аввалги йиллардагига қараганда бирмунча кўпайган. Ҳатто 2000 йили Жаркўрғон туманида уйда тайёрланган консерва маҳсулотларидан заҳарланиш оқибатида бир неча киши ҳаётдан кўз юмган эди.

Ўтган йили вилоят санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари Денов туманида 134 килограмм, Жаркўрғонда 56 килограмм, Қизирикда 34 килограмм, Ангорда 20 килограмм истеъмолга яроқсиз гўшт маҳсулотларини савдодан олиб ташлашди. Бу йилги маълумотлар эса ўта ташвишли. Март-апрель ойида ўтказилган текшириш натижасида биргина Термиз марказий деҳқон бозорида 0,5 тоннага яқин сифатсиз гўшт маҳсулоти савдода эканлиги аниқланди.

Биз яқинда Сурхондарё вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг ходимлари билан биргаликда вилоятнинг айрим шаҳар ва туманларида бўлиб, бу борадаги ахвол билан танишдик.

Термиздаги «Ҳусниддин» хусусий дўкони шаҳарнинг шундоқ қоқ марказида, шаҳар тез шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш марказига яқин жойда жойлашган. Дўкон мудири Ҳайит Нуриддинов деган тадбиркор экан. Ўзларини дўкон сотувчиларимиз, дея таништирган Феруза ва Насиба Нуриддиновалар сотувчи бўлиб ишлашлари учун шарт бўлган тиббий кўрик дафтарчаларига ҳам эга эмас. Дўкон пештахталаридаги бир қанча маҳсулотларнинг муддати ўтиб кетган. Жумладан, жуда ажойиб, кўзни кувонтирадиган ҳолда «Масло Уральское шоколадное» деб қадоқланган 250 граммлик ёғлик ширинликларнинг истеъмол муддати 2 ой аввал ўтган. Ёки дўкондаги сотиш учун қўйилган макарон маҳсулоти кўкариб кетган, айрим консерва ва ширинликларнинг ҳам муддати аллақачон ўтган экан.

— Биз бу маҳсулотларни шаҳардаги «Юбилейный» бозоридан олганмиз, — дейди Феруза.

— Ахир уларнинг муддати ўтган, саломатлик учун зарарли-ку?

Бизнинг бу саволимизга сотувчи қизлар индамай ерга қараши.

Термиз давлат университетининг ўқув биноларига ёнма-ён бўлган, 2-вилоят шифохонасининг шундоқ кириш дарвозаси олдида жойлашган «Имконият» хусусий ошхонасида идиш-товоқ ювадиган жой овқат пиширилиладиган хона билан бир жойда. Қолаверса, ошхона ичидаги катта музхонада эски овқат қолдиқлари, хом гўшт, турли салатлар аралаш-қуралаш бўлиб ётибди.

Термиз шаҳар СЭС ходими Пирмат Холматов ошхона эгаларидан бири Салим Эргашевга бундай ҳолатда овқат пишириб сотиш мумкин эмаслигини тушунтирмоқчи бўлди-ю, балога қолди. «Биз хусусиймиз, нима овқат қиламиз, қандай сақлаймиз — бу ўзимизнинг ишимиз», — деди у пешгирлик билан.

Назаримизда у бир нарсани тушунмаяпти. Хусусий ошхона одамларга хизмат қилади. Хўранда-ю харидорларнинг эса ҳуқуқлари бор. Уни бузган одам ким бўлишидан қатъи назар қонун олдида жавоб беради.

Термиздаги марказий деҳқон бозорида деҳқонлар билан биргаликда уй шароитида тайёрланган турли хил овқатлар, печенье, тортлар билан савдо қилаётганлар кўпайиб бормоқда. Санитария-гигиена қоидаларига зид равишда овқат сотаётган фуқароларнинг бирортаси махсус кийим кийишмайди, идиш-товоқларни ювиш ва турли инфекцияларни зарарсизлантириш учун эса махсус шароитга эга эмаслар. Улар сотаётган овқатлар қандай шароитда ва қандай маҳсулотлардан тайёрланаётганини ҳам ҳеч ким билмайди. Вилоят Бош давлат санитария врачи томонидан сўнгги ойлар ичида бир неча бор бозор маъмурияти ёзма равишда огоҳлантирилди. Аммо... бу ачинарли ҳолат давом этмоқда, демак, одамларнинг овқатдан заҳарланиш хавфи сақланиб қолмоқда.

Уйда овқат тайёрлаб, бозорга, кўча-куйга, ҳатто поездлар вагонларига олиб чиқиб сотаётган «тадбиркор»лар ҳам кўпайиб бормоқда. Майли, тирикчилик, буни тушунса бўлади. Аммо, бу ишлар ҳам қандайдир тартиб асосида, назорат остида бўлиши керак эмасми?

Термиз бозорини айланганимизда тақиқланган бўлишига қарамай, бозорда пахта ёғи сотиш авжига чиққанини кўрдик. Бозор пештахталарини 1,5 литрлик пластмасса идишларга тўлдирилган пахта ёғи босиб кетибди. Бу ёғфурушлар ким ўзи? Ёғ ишлаб чиқарадиган заводи бўлмаса, ёғни қаердан олишяпти улар? Ҳар кг. пахта ёғига 400-500 сўм устама нарх қўйиб пуллаётган бу кимсаларга нега ҳеч ким индамаяпти?

— Ҳа, қўлимиздан нима ҳам келарди, иложимиз йўқ, кучимиз етмайди, — дейди Термиз марказий деҳқон бозори раиси Тошмамат Абраматов.

Қизиқ раис шу қадар ночорми ё бунда бир сир борми? Деҳқон бозоридаги Термиз шаҳар давлат солиқ инспекциясининг махсус таянч пункти ходимлари ҳам «ночор»ми? Бу ҳолни кўриб-билиб, нега томошабин бўлиб туришибди.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектларни Давлат томонидан назорати тўғрисида»ги Қонуни кучга киргандан сўнг хўжаликлар раҳбарлари, тадбиркорлар енгил нафас олишди. Сир эмас, бу қонун қабул қилинишидан илгари иқтисодиётда текширишлар ўтказишда суиистеъмолликлар авжига чиққан, ҳар хил фирибгар, таъмагирлар «текшириш» ниқоби остида қонунга зид ишларга ҳам қўл ургандилар. Ушбу қонун ана шундай қинғирликларга катта тўсиқ бўлди, албатта. Текширувлар чекланиб, тадбиркорга катта имконият яратилди. Афсуски, ана шу имкониятдан ҳалол, самарали фойдаланиш ўрнига уни суиистеъмол қилаётганлар кўпайиб қолди. Айниқса, доимий санитария назоратига олиниши лозим бўлган сут заводлари, сут-товар фермерлари, чорвачилик мажмуалари ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилаётган дўконларда ўзбошимчалик ҳоллари, масъулиятсизлик кўпайиб қолди. Аҳоли саломатлигига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган корхоналар аслида тез-тез санитария текширувидан ўтказиб турилиши кераклигига ҳеч ким эътироз билдирмаса керак.

Тўғри, текширувчиларнинг кўплиги, асоссиз текширувлар тадбиркорга халақит беради, турли суиистеъмолликларга йўл очади. Аммо, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати, муддати изчил назорат остида бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, жуда тез бузиладиган бу маҳсулотлар назорат қилинмаса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Қолаверса, мана, ёз ҳам келди. Об-ҳаво қизигандан-қизимоқда. Табиийки, бундай пайтда озиқ-овқатлар тез бузилади. Демак, хавф-хатар янада кўпаяди.

Хўш, нима қилмоқ керак?

Мутахассислар, тегишли идоралар бу савол устида ўйлаб кўришса, аниқ таклифлар туғилиши табиий, албатта. Аммо шу ўринда тадбиркорлар дунёқараши, инсофу диёнатига ҳам кўп нарса боғлиқ, деб ўйлаймиз. Қолаверса, ҳар бир харидор қаердан, кимдан нима олиши, харид қилаётган маҳсулотининг сифатини кўздан кечиришга, сўрабсуриштиришга ҳақли эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя этиш тизимини такомиллаштириш ишлари ҳам изчил олиб борилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларини ойлаб назоратсиз қолдириш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу боисдан озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини назорат қилиш бўйича ҳам янгича қоидалар жорий этилмоқда.

Демак, тадбиркорлар эркин фаолиятига тўсиқ бўлмаган ҳолда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳам мустаҳкам ҳимоя этмоқ лозим. Бу борада дунёда тажриба кам эмас. Шунингдек, мутахассисларимиз ҳам ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришлари мумкин.

Бизнинг мақсадимиз ҳам аслида шу — муаммо ҳақида маълумот бериб, жамоатчилик эътиборини унга қаратиш.

Мақола вилоятлардаги мухбирларимиз Даврон БАҲРОНОВ, Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, Сохиб САЛИМОВ, Шухрат ҚАРШИЕВ, Алишер ИБОДИНОВ, Юнус УЗОҚОВ, Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ тўплаган маълумотлар асосида тайёрланди.

АНЖУМАН

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ МУАММОЛАРИ

Самарқандда «Суғориладиган бўз тупроқлар унумдорлигини ошириш ва унинг экологик муаммолари» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди

Сир эмас, сайёрамизда инсониятни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ишлари шу пайтгача асосан янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига олиб борилди. Бугунги кунга келиб, Ер шари бўйича қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар миқдори чекланган эканлиги маълум бўлиб қолди. Шунга қарамай, эскидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинган унумдор ерларнинг саноат ва турли хил қурилишлар учун ажратилиши давом этмоқда. Ҳозир, масалан, жаҳон бўйича аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши ва табиатга, хусусан тупроқ унумдорлигига бўлган лоқайдлиги туфайли йилига 6-7 миллион гектар ҳосилдор ерлар йўқотилмоқда. Маълумотларга қараганда, Ер шари бўйича аҳолининг йиллик ўсиши эса ошиб бормоқда, бу ҳол йилига қўшимча 24-30 миллион тонна ғалла ишлаб чиқаришни талаб қилади. Ҳар бир кишини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун (ердан самарали фойдаланилган-да!) 0,3 гектар, яшаш учун эса ўртача 0,07-0,09 гектар, яъни 0,4 гектарга яқин ер керак бўлади.

Агар 1900 йилда дунё бўйича деҳқончилик қилинаётган ер аҳоли жон бошига 1,5 гектарга тўғри келган бўлса, ҳозир бу рақам — 0,5 гектардан ошмайди. Бу, ўта жиддий муаммо бўлиб, у фақат ва фақат Ер шари аҳолисининг ердан самарали фойдаланиши ва уни асраб-авайлаши натижасидагина ижобий ҳал қилиниши мумкин.

Мамлакатимиз ер майдонининг тахминан учдан икки қисми чўл ҳудуди, қолгани бўз тупроқ ерлардир. Мавжуд 45,6 миллион гектар майдоннинг 33 миллион гектаридан (72 фоиздан кўпроғи) қишлоқ хўжалик корхоналари фойдаланади. Мамлакатимизнинг «олтин» ер жамғармаси — суғориладиган деҳқончилик қилинадиган ерлар бўлиб, уларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги баҳорикор ерларга нисбатан 3-4 баравар ва ундан ҳам юқори эканлиги кутилмоқда. Чунончи, шоли ва пахтанинг 100 фоизи, сабзавот экинларининг 75, мева ва узумнинг 60 фоизга яқини суғориладиган ерларда етиштирилади.

Унумдор ерлар мамлакатимизда 11 фоизни ташкил қилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 80 фоизи етиштирилади. Лекин, тан олиш керак, охирги йилларда қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш натижасида тупроқ унумдорлиги пасайиб бормоқда. Бу асосан гумус миқдори камайиши билан боғлиқ. Унинг камайиши йилдан-йилга тезлашмоқда.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида ҳам гумус миқдори тахминан 50 фоизга камайганлиги ҳақида маълумотлар бор. Муаммони ҳал қилиш учун органик ўғитларни кенг қўллаш ва алмашлаб экишга қатъий риоя қилиш керак. Органик ўғитларни кўпайтириш учун эса, шубҳасиз, чорвачилик ва емхашак базасини ривожлантиришга тўғри келади. Жумладан, органик ўғитларни гектарига 20 тонна ва ундан юқори миқдорда қўллаш гумус миқдорининг камайиши олдини олади ва уни кўпайтиради ҳам. Бунинг учун суғориладиган ҳар бир гектар ерга камида 2 та қорамол тўғри келиши, беда майдонларини ҳам эҳтиёжга қараб кенгайтириб бориш лозим. Беда нафақат чорва учун емхашак, балки гумус миқдори кўпайишида «стабилизатор» ҳамдир.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтларда суғориладиган ерларнинг шўрланиб кетиши ва тупроқ ҳайдов қатламининг йўқолиши каби ҳолатлар ҳам кучаймоқда. Айниқса, Орол денгизининг қуриб бориши жараёнида тупроқ шўрланиши кучаймоқда. Шу боис, шўрланган тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммосини мумкин қадар тезроқ ижобий ҳал қилиш — тупроқшуносларимиз олдида турган асосий вазифалардан бири. Яна бир муҳим масала тупроқ эрозиясининг олдини олиш. Бу жараёнда тупроқнинг унумдор қатлами йўқолиб боради. Неча минг йиллар давомида шаклланган тупроқнинг устки ҳайдов (унумдор) қатламини асраш, эъзозлаш эндиликда ҳамманинг ташвиши ва бурчи бўлиб турганлиги сабаби ҳам шунда.

Самарқандда бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда ана шу муҳим масалалар муҳокама этилди, фикр-мулоҳазалар жамланди.

■ **Шоди ХОЛИҚУЛОВ, профессор, СамДУ информацион технологиялар ва илмий ишлар проректори**

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектларига эътибор кучайтиришни бугун давр тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган қатор ислоҳотларнинг туб моҳияти тадбиркорларни ушбу соҳага кўпроқ жалб қилиш ва шу орқали аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборатдир. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси Наманган вилоятининг Уйчи туманида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Туманда шу кунга қадар кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар 13359 нафарни ташкил этса, шулардан 347 таси жорий йилнинг 4 ойи ҳиссасига тўғри келади. Яқинда иш бошлаган «Муштарий-А-И-ЛТД» сочиқ ишлаб чиқарувчи хусусий корхонаси ҳам шулар жумласидан. Айни пайтда 120 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада ишлатишга қулай ва экспортбоп сочиқлар тайёрланмоқда. Жамоанинг нияти келгусида фаолият кўламини янада кенгайтириб, кўпроқ самарадорликка эришишдир.

✧✧✧

Суратда: ишчилар Гавҳар Нажмиддинова, Нигора Абдуллаева, Муниса Сайфиддиновалар иш пайтида.

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

ХДП Навоий шаҳар кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Маърузачи ва музокараларда иштирок этганлар сўзида давлат бошқарувидаги ислоҳотлар, уларда партия ташкилотларининг иштироки, омма орасида миллий истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилиш тўғрисидаги фикрлар кенг ўрин эгаллади. Ютуқлар билан бирга, камчиликлар ҳам борлиги таъкидланди. Пленум ишида Навоий шаҳар ҳокими Б.Ҳамдамов ва ХДП Навоий вилоят кенгашининг биринчи котиби Р.Ботировлар сўзга чиқдилар. ХДП Қорасув ва Ширин шаҳар ҳамда Ш.Рашидов туман кенгашларининг ташкилий пленумларида мазкур кенгашларнинг биринчи котиблари этиб тегишлича, Қ.Бобожонов, Х.Рўзибоев ва Р.Сатторовлар сайландилар. Пленумларда ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Д.Қулматов, Ширин шаҳри ва Ш.Рашидов тумани ҳокимларининг ўринбосарлари М.Юнусов ҳамда А.Норқуловлар қатнашдилар.

ХДП Хатирчи ва Паркент туман кенгашларининг пленумларида асосий эътибор жойларда олиб борилаётган партиявий-ташкилий ва мафкуравий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, уларни аниқ йўналишда ташкил этиш масалаларига қаратилди. Ушбу ҳақда мазкур кенгашларнинг биринчи котиблари Р.Рабимов ва Р.Бадаловларнинг маърузалари тингланди. Пленумларда Хатирчи тумани ҳокимининг ўринбосари Б. Абдуллаев, Паркент тумани ҳокимининг ўринбосарлари Ҳ.Эрматов ва Г. Исломова ҳамда ХДП Тошкент вилоят кенгашининг котиби Н.Тоировлар иштирок этдилар.

ХДП Янгиер шаҳар ва Қорақўл туман кенгашлари ўтказган бошланғич партия ташкилотлари котибларининг семинарлари ХДП МК IV пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишланди. Унда асосий эътибор сайлов округларидаги мавжуд депутатлар қабулхоналари фаолиятини такомиллаштириш, партиядан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб боришни яхшилаш вазифаларига қаратилди.

Партия Тошкент вилоят кенгаши, Янгийўл шаҳар партия ташкилоти негизида, вилоятдаги шаҳар ва туман партия ташкилотлари шўъба мудирлари ва ҳисобчилари билан ички партиявий масалалар юзасидан навбатдаги семинар-кенгашни ўтказди.

Бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларига бағишланган очиқ йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Бундан Нишон туманидаги «Туркманистон» номли фермерлар уюшмаси, «Ойдин» жамоа ширкат хўжалиги, Янгиқўрғон туманидаги Т.Неъматов номли ширкат хўжалиги, Қарши туманидаги Ю.Хушвақтов номли кооператив-ширкат хўжалиги, Фарғона шаҳридаги Марказий шифохона, Балиқчи туманидаги «Балиқчи» қишлоқ фуқаролар йиғини, Андижон шаҳридаги «Уйғуробод», «Ишчилар», «Маъриф», «Намуна», «Пахтакор», «Шодлик», «Андижон», «Султон Жўра», «Муҳаммад Алибой» маҳаллалари ва кўплаб бошқа ҳудудий бошланғич партия ташкилотларидан келган хабарлар далолат беради. Йиғилишларда партия ташкилотларининг амалий ишлари, уларнинг жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги иштироки чуқур таҳлил қилинмоқда.Масалан, Избоскан тумани А. Тиллабоев номли ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти ва Боёвут туманидаги барча ҳудудий бошланғич партия ташкилотларининг пилла чилик соҳасини ўз оталиғига олиб ва жорий йилда пилла қурти парвариши мавсумини юксак натижалар билан якунлаганликлари, бу ХДП нуфузини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Очиқ партия йиғилишларида Ўзбекистон ХДП замонавий парламент хилидаги партия тусига янада кўпроқ эга бўлиши учун сайлов округларида унинг тузилмаларини такомиллаштириш, ушбу жараёнларни жадаллаштириш йўлида нималар қилиш лозимлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Мажлисларда партиянинг дастурий ғоялари ва сиёсатини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш, партиявий интизомни мустаҳкамлаш, ХДПдан сайланган депутатларнинг фаоллигини янада ошириш каби муҳим масалалар юзасидан навбатдаги вазифалар аниқланмоқда. Шу билан бирга, партия ташкилотлари ҳаётида учраб турган камчиликларга ҳам эътибор қаратилмоқда.

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧЛАРИ

САРМОЯ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Истиқлол йилларининг энг катта муваффақиятларидан бири — мамлакатимизнинг нефть ва газ мустақиллигига эришгани десак, муболаға бўлмас. Зеро, халқ хўжалигининг йирик тармоқларидан бири — нефть ва газ саноати мамлакат иқтисодиётида салмоқли ҳамда залворли ўрин тутади.

Буни яхши тушунган «Ўзбекнефтгаз» компанияси тизими жамоалари хорижий компаниялар билан фаол ҳамкорлик олиб бориб, мамлакатнинг энергия ресурсларига бўлган талабини миллий ишлаб чиқаришни ўзаро шерикчилик асосида ривожлантириш билан қондиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда тармоққа хорижий сармояларни жалб этиш ва маблағлардан унумли, оқилона фойдаланиш пайида бўлишяпти. 1997 йили Кўқдумалоқ газ конида «Сайклинг-жараён» усулини қўллаш билан газ конденсатини максимал даражада қазиб олишни таъминлаш имконини берадиган АҚШнинг «Дрессер-Ренд» фирмасининг компрессор шахобчаси қурилгани ёки ўша йилнинг ўзида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилгани бунга ёрқин мисол бўлади.

Қишки даврда аҳолининг газга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва мавжуд газ транспорт тармоқларидан оқилона фойдаланиш учун Американинг «BSI Индастриез» компанияси билан бирга 1999 йил Хўжаобод ер ости газ сақлаш омбори қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қашқадарёда эса йилига 125 минг тонна полиэтилен ва 130 минг тонна суюлтирилган углеводород гази ишлаб чиқариш қувватига эга «Шўртангазкимё» мажмуи барпо этилди. Ушбу йирик лойиҳа Марказий Осиё инвестицион лойиҳалари ичида «аср лойиҳаси» сифатида тан олинди. Чунки уни амалга ошириш нафақат нефть ва газ саноати учун, балки кимё, қишлоқ хўжалиги, қурилиш индустрияси равнақи учун ҳам муҳим ашё базаси ҳосилоқлаади. Бу йирик лойиҳани амалга оширишда АҚШнинг «АББ Луммус Глобал», Японияннинг «Мицуи», «Тойи инжиниринг», «Нишо Иваи» ва Италиянинг «АББ Соими» консорциумлари билан яқиндан ҳамкорлик қилинди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 1995-2000 йилларда мамлакат нефть ва газ саноати иншоотлари қурилиши учун жами 1,5 миллиард АҚШ долларидан иборат хорижий сармоя жалб этилди.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида таъкидлаганидек, **«Республиканинг табиий бойликларини чет эл компаниялари билан биргаликда ўзлаштириш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш борасида Ўзбекистоннинг имкониятлари кўп».** Шу боис, ҳукуматимиз хорижий сармояларни жалб қилиш учун мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиш устида муваффақиятли иш олиб бормоқда ва нефть-газ тармоғининг устувор инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ҳамкорликни доим қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Хорижий инвесторларнинг «Ўзбекнефтгаз» саноати тизимига сармоя киритишга бўлган қизиқиши ҳам тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда «Ўзбекнефтгаз» компанияси салоҳиятли хориж сармоялари билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг нефть-газ минтақаларида амалга оширишни кўзлаб, 16 та блокли сармоялаш лойиҳаларини ишлаб чиқди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини ривожланишида «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси томонидан самарали фаолият олиб бориляпти ва тармоқ ривожига сарфланган хорижий капитал нефтни қайта ишлаш корхоналарида тайёрланган юқори сифатли маҳсулотлар, шунингдек, табиий газни экспорт қилиш ҳажмининг ўсиб бориши билан қайтарилади.

■ **Ҳотамжон МАМАРАСУЛОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

АКЦИЗ СОЛИҒИ

АЙРИМ ТОВАРЛАР (ТАМАКИ, АЛЬКОГОЛЛИ ИЧИМЛИКЛАР)НИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ЁКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАБИАТГА ҲАМ, ЖАМИЯТГА ҲАМ САЛБИЙ ТАЪСИРИ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Акциз — билвосита солиқ турларидан бири. Товар нархи ёки хизмат ҳақига устама ҳақдан тўлов сифатида ундириладиган ва истеъмолчилар томонидан тўланадиган солиқ. Давлат солиқ сиёсатининг таркибий қисми бўлган бу турдаги солиқ — энг аввало, бюджет даромадларини кўпайтиришга, айрим товарлар (тамаки, алькоголли ичимликлар)ни истеъмол қилиш ёки ишлаб чиқариш табиатга ҳам, жамиятга ҳам салбий таъсири оқибатларини бартараф этишга хизмат қилади. Шунингдек, у ижтимоий харажатларни қоплаш, мамлакат ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлаш ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Акцизларнинг миқдори одатда товарларнинг қийматига, уни ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнат сарфига боғлиқ эмас, аксинча, давлатнинг солиқ сиёсати билан боғлиқ ҳолда белгиланади.

Акциз солиғининг ўзига хос хусусиятларидан бири — унинг маркалари. Эсингизда бўлса, акциз солиғи 1992 йилдан жорий қилинди. 1997 йил 12 июндан бошлаб акциз ости товарларига акциз маркасини киритиш тўғрисида Фармон қабул қилинди. Мақсад — мамлакатимизга олиб кирилаётган сифатсиз алькогол ва тамаки маҳсулотларидан истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш эди. Акциз солиғини истеъмол товарлари қийматига устама қўйиладиган эгри солиқ ҳам деймиз. Аммо солиқнинг ҳақиқий тўловчилари — истеъмолчилардир. Шунинг учун бу солиқ баъзи мамлакатларда истеъмол солиқлари деб ҳам юритилади.

Бозор иқтисодиёти олдисотди, эквивалент, пул муносабатлари иқтисодиёти эканлиги ҳаммамизга маълум. Шундай экан, солиқлар шу муносабатларга, яъни эквивалент муносабатларига тўғридан-тўғри мос келадими, деган савол туғилади. Солиқлар, энг аввало, давлатнинг ижтимоий вазифаларини молиявий маблағлар билан таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади. Масалан: аҳолининг кам таъминланган табақаларини (талабалар, пенсионерлар, ногиронлар ва бошқалар) ижтимоий ҳимоя қилиш; мамлакат мудофаасини таъминлаш; фуқароларнинг тинч меҳнат қилиши ва эркин яшаши муҳофазасига эришиш; мамлакат ичида узлуксиз ижтимоий, маданий тадбирлар (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот ва бошқалар)ни амалга ошириш; хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқалар ўрнатиш; бозор инфраструктурасини яратиш ва ҳоказо.

Табиийки, бу вазифаларни амалга ошириш кўп молиявий ресурслар талаб қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу ресурсларни фақат солиқлар ва солиқ характерига эга бўлган тўловлар орқали амалга ошириш мумкин. Тўғри, буйруқбозлик, марказлашган маъмурий бошқарув даврида давлат ўз вазифаларини солиқсиз тўловлар, яъни ажратмалар, бадаллар ва ҳар хил тўловлар орқали ҳам амалга оширган. Чунки, у даврда солиқли тўловга кўп ҳожат ҳам йўқ эди. Ҳамма мулк давлатники бўлганлиги сабабли, давлат корхоналар даромадини ўз мулки сифатида ис-таганча ажратмалар йўли билан бюджетга жалб қила оларди. Бозор иқтисодиёти шароитида хилма-хил мулк шаклларининг таркиб топиши ва демократик жараёнларнинг ривожланиши — бюджетга тўловларни ажратмалар сифатида эмас, балки қонуний кучга кирган демократик тўловлар асосида амалга оширишни тақозо этди.

Бозор иқтисодиёти қонуниятидан келиб чиқиб, муносабатлар ва эквивалент муносабатлар бўлиши зарурлигини эътиборга олсак, давлатнинг бажарган хилма-хил хизматлари учун мамлакат ичидаги ҳуқуқий ва жисмоний шахслар албатта ҳақ тўлашлари керак. Яъни, ҳукуматнинг хизмат кўрсатувчи муассасалари (турли хил вазирликлар, қўмиталар ва бошқалар) ўз хизматларини сотади. Хизматлар товар даражасига кўтарилади ва бозорга чиқади. Давлат бу харажатларни ўз бўйнига олади ва ўз иқтисодий сиёсатини амалга оширади. Айни ана шу сиёсат — солиқ сиёсати бўлиб, у туфайли бюджетга кўплаб йиғимлар тушади.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, ҳар қандай ҳолатда ҳам — солиқ деганда, солиқ тўловчилар ва давлатнинг иқтисодий манфаатлари тўла ҳисобга олинади. Бунда томонлар манфаати, шаксиз, мувозанатли тартибда олиб борилади. Чунки, эркин бозор иқтисодиёти талаби шу! Бу талабнинг ижроси — мамлакат иқтисодиётида барқарорлик, ўсиш ва улғайишни таъминлайди.

■ **Ҳожиакбар САГАТОВ,**
Тошкент молия институти магистранти

НАМОЙИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН

«Россия ҳаво йўллари — Аэрофлот» очиқ акциядорлик жамияти авиамутахассислари норозилик намойиши ўтказганлиги муносабати билан 19 июнь куни Европага учадиган барча рейсларнинг вақти ўзгартирилди. Жумладан, Москва — Париж, Москва — Ницца, Москва — Афина, Москва — Мадрид сингари йўналишдаги рейсларнинг айримлари бекор қилинди, айримларининг эса вақти ўзгартирилди. Бу ҳақда авиакомпаниянинг жамоатчилик билан алоқалар департаменти хабар берди.

ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИШДИ

Чита-Хабаровск федерал автотрассаси қурилишида иштирок этаётган йўл қурувчиларидан 19 нафари Амур вилоятининг Сквородино шаҳрида очлик эълон қилишди. «Амурская звезда» газетасининг муҳаррири Елена Короткихнинг ёзишича, йўл қурувчилари 6 ойдан бери тўланмаётган иш ҳақларини, шунингдек, меҳнат шароити бир оз бўлса-да, яхшиланишини, керакли анжомлар билан таъминланишини «Балтийской строительной компании — 19» раҳбариятидан талаб этишмоқда.

ҲИСОБОТДА АЙТИЛИШИЧА...

Стокгольмдаги жаҳон муаммоларини тадқиқ этувчи институт навбатдаги йиллик ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра, жорий йилнинг энг долзарб муаммоси атом реакторларининг террорчилик хуружидан тўла ҳимояланмаганидир.

Айни пайтда дунёда жами 756 атом реактори мавжуд. Уларнинг нечоғли хавфли эканини изоҳлашга ҳожат йўқ. Улардан ноўрин ёки ғаразли мақсадларда фойдаланиш, табиийки, оммавий қирғинга сабаб бўлиши мумкин.

Атом реакторлари янада мустаҳкам ҳимоя остига олинмас экан, террорчилар улардан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиши эҳтимоли сақланиб тураверади. Атом энергияси назорати билан шуғулланувчи МАГАТЭ ташкилотига аъзо мамлакатлар айнан шундан ташвишга тушмоқда.

Хуллас, мазкур институт мутахассислари муаммони ҳар томонлама исботлаб берган. Бу эса террор хавфини янада аниқ ҳис этиш, унга қарши ялпи курашни изчил давом эттириш зарурлигини англатади.

ЧИКАГО. КОНГРЕСС МЕҲМОНХОНАСИНИНГ УМУМИЙ КЎРИНИШИ



АВТОБУС ПОРТЛАТИЛДИ

Қуддусда фаластинлик террорчи томонидан талабаларни олиб кетаётган автобус портлатилди. Натижада ўн тўққиз киши қурбон бўлди, элликка яқин киши жароҳат олди. Уларнинг беш нафари оғир аҳволда.

Ҳозирча, тасдиқланмаган маълумотларга қараганда, террорчилик учун жавобгарликни Фаластин озодлик ҳаракатининг «Танзим» ҳарбийлашган гуруҳи ўз зиммасига олган. Шунингдек, ушбу террорчилик ХАМАС жангарилари томонидан ҳам амалга оширилган бўлиши мумкин.

Ушбу хунрезликни Фаластин миллий маъмурияти кескин қоралар экан, содир этилган ҳодисага масъул эмаслигини таъкидлади. Негаки, террор Фаластин маъмурияти томонидан ҳам қораланиб келинади.

Хабарларда айтилишича, Исроил хавфсизлик хизмати ушбу террорчилик юзасидан аввалроқ баъзи маълумотларга эга бўлган. Бироқ, воқеа қаерда ва қачон амалга оширилишини аниқлай олмаган. Шундай бўлса-да, Қуддус шаҳри полицияси жанговар ҳолатга келтирилган эди.

Исроил бош вазири Ариэл Шарон дарҳол воқеа содир бўлган жойни бориб кўрди ва ҳукумат террорчиликка қарши урушни давом эттиришини маълум қилди. Мамлакат ўз фуқароларини ҳимоя қилиши керак, деди у.

ОЛОВНИ ЎЧИРАЁТИБ

Шу кунларда Калифорния ўрмонларида ҳам кучли ёнғин давом этмоқда. Уни бартараф этиш учун эса барча техника воситалари жалб этилган. Куни кеча ёнғинни ўчиришда иштирок этаётган самолёт техник носозлик сабаб Уолкер шаҳри яқинига қулаб тушди. Жабрланган ва қурбон бўлганлар ҳақида ҳозирча хабарлар тарқатилмаяпти.

ХАЛҚ БАНКИ — МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИДА

ДИҚҚАТ, ҚУЛАЙЛИК!!!

Ҳозир республикамизда фаолият кўрсатаётган банклар аҳолига ҳар хил ва турли шартлар асосида омонатлар таклиф этишмоқда.

Республикамизнинг йирик ва универсал банкларидан бири — Халқ банки аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишни кенгайтириш мақсадида омонатчилар учун қулай ҳамда ноанъанавий омонат турларини муомалага жорий қилди. Айниқса, қисқа муддатли ва юқори фоизли ҳамда ютуқли омонат турлари мижозлар эътиборини қозонди.

«ҚАДРИЯТ», «САҲОВАТ», «ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР...» «КАФОЛАТ» каби омонат турлари шулар жумласидандир.

«ҚАДРИЯТ» номли 90 кунлик ютуқли омонат 2002 йилнинг 1 майидан жорий қилинган бўлиб, ушбу омонат бўйича ҳисоб варақалари жорий йилнинг 1 августигача очилади. Омонатчи биринчи кирим бадали сифатида камида 1000 сўм кирим қилинганидан сўнг омонат бўйича йиллик 50 фоиз миқдорида даромад олади. Шунингдек, омонатчи 5 минг сўмдан 1 миллион сўмгача бўлган пул ютуқларига ҳамда 1 йил давомида ҳар ойда 50 минг сўмдан олиб туриш имкониятини берадиган «Омад» ютуғига ҳам эга бўлиши мумкин.

2002 йилнинг 1 майидан жорий этилган **«САҲОВАТ»** қисқа муддатли ютуқли омонат ҳам ўзининг афзаллиги билан аҳоли эътиборини жалб этиши турган гап. Ушбу омонатга камида 3 минг сўм маблағ қабул қилинади ва йиллик 50 фоиз миқдорида даромад тўланади. Бундан ташқари, омонатчилар 50 минг сўмдан 1 миллион сўмгача ютуқларни ҳам ютиш имкониятига эга бўладилар.

Халқ банки фаолиятининг бошқа банклардан фарқли ва қизиқарли томонлари шундаки, омонатчи **«ҚУВОНЧ»** деб номланган ютуқ соҳибига айлангудек бўлса, у ҳолда олти ой давомида ҳар ойда 25 минг сўмдан ютуқлар тўлаб борилади.

Банкнинг **«ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР...»** қисқа муддатли омонати эса 31 кунга очилади ва сақланган муддат учун 2,5 фоиз миқдорида даромад тўланади ҳамда омонатчига бу даромадларни маблағ кирим қилинган вақтнинг ўзидаёқ олиш имкони берилади. Мазкур омонат бўйича сақлаш муддати тугагандан сўнг уни кейинги муддатга узайтириш мумкин.

«КАФОЛАТ» қисқа муддатли депозит омонати 6 ойга қабул қилиниб, ойига 2,5 фоиз миқдорида даромад тўланади. Ушбу омонатга биринчи кирим бадали 10 минг сўмдан кам бўлмаслиги керак. Омонатнинг сақланиш муддати тугагунга қадар фақат ойлик фоиз даромадларини олиш имконияти яратилади. Омонатга белгиланган сақлаш муддати тугаса ва омонатчи банк бўлимига мурожаат қилмаса, ушбу омонат омонатчининг иштирокисиз бир маротабага узайтирилади.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ, Халқ банкида аҳоли омонатларининг сақланиши давлат томонидан кафолатланган!

ҒАРОЙИБ ТАҚДИРЛАР

«МЕН ДУНЁГА ЭРТА КЕЛИБМАН»

У РАССОМ ЭДИ. УМР БЎЙИ ЧИЗДИ. АММО ҲАЁТЛИГИДА АСАРЛАРИГА БИРОРТА ҲАМ ХАРИДОР ЧИҚМАДИ. ОРАДАН БИР АСР ЎТГАЧ, «АТИРГУЛ» СУРАТИ 40 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИГА СОТИЛДИ

Биз ота-онамиз, устозимиз ёхуд яқин дўстимизга тақлид қиламиз. Уларнинг интилишига қараб биз ҳам изланишларимизни белгилаймиз. Улар айтаётган ҳаёт қўшиғига жўр бўламиз. Лекин буюклар ҳеч кимга тақлид қилмайдилар. Шу мезон асосида ёндошадиган бўлсак, XIX аср иккинчи ярмида Европада яшаб, ижод этган рассом Винсент Ван Гог ҳам ана шундай инсонлардан бири эди.

Уларнинг оиласи жуда камбағал бўлиб, отаси ва акаси кўмир сотиб зўрға кун кечиришар эди. Эндигина эсини таниган Ван Гог рассом бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шуниси ажабланарлики, у бу қарорга ҳеч бир рассомнинг ижодий ишлари билан таниш-



май туриб рассомчилик унинг тақдири билан боғлиқ эканлигини ҳис қилган ҳолда келади. У табиатни жуда севарди. Ҳар бир дарахтга, атиргулга ҳайратланиб боқарди. Гоҳида уларга соатлаб термулишдан зерикмасди. Баъзан бу хаёлпараст боладан келажаги ҳақида сўраб қолишса, «Мен фақат расм чизишни хоҳлайман, холос», дея жавоб берарди. Уларнинг оилавий шароити уни рассомчилик мактабларида ўқиши у ёқда турсин, ҳатто қорнини тўйғазиши ҳам оғир эди. Йиллар ўтиши билан бўлажак рассом ўз сўзида қатъий тура бошлади. Оқибат уйидан ҳайдалди. Биргина акаси Тео уни яхши кўрар, келажаги учун қайғурарди. Ван Гог эса тинимсиз «Мен расм чизишни хоҳлайман, холос», дея такрорларди.

Ван Гог акасининг бир ҳафтага берган овқат пулидан тежаб қаламлар, бўёқлар ва полотнолар сотиб оларди. Бир ҳафтада тўрт кун овқатланиб, уч кун ҳеч нарса емасди. Лекин у тинимсиз сурат чизарди. Рассомчилик мактабини тугатмасдан, ўша пайтларда мавжуд санъат йўналишларининг ҳеч бирини ўрганмасдан рассомчиликни бошлаб юборди. Мусаввир учун гўзал табиатнинг ўзи ҳар қандай устоздан-да юксакроқ. Чизган суратлари ўтмишни эмас ёхуд ўз даврини эмас, балки рангин келажакни ифодаларди. Ўз ишидан қониқмагунча суратлари ёнидан кетмасди. Лекин унинг асари ҳар қанча мукаммал, етук бўлмасин, ўша давр одамлари учун тушунилиши қийин эди. Сабаби, суратларида ҳали ҳеч кимга номаълум келажак ҳаёллари акс этарди. Албатта, бу нарса ўз даври одамлари учун тушунарсиз, номаълум ва кераксиздек туюларди. Қанчалик кўп расм чизмасин, ўз устида кўп ишламасин, унинг суратларини ҳеч ким харид қилмасди. Шундай бўлишига қарамай тинимсиз расм чизарди. Бу ҳолни кузатган одамлар унинг устидан ҳатто кулишарди. Қалбан яқин бўлмаса-да, акаси Тео унинг учун қаттиқ қайғурарди.

Бир куни Тео «Балки, укам ўз асарларини ҳеч ким сотиб олмаганидан шу аҳволга тушаётгандир», — дея бир яқин ўртоғига пул бериб, укасининг суратларини сотиб олишни илтимос қилади. Ўртоғининг санъатга тоби йўқ бўлса-да, Ван Гогдан суратларини кўрсатишни ва улардан бирини сотиб олишга хоҳиши борлигини билдиради. Бундан ёш рассом беиҳоя ҳайратланиб кетади. У асарига ҳаридор топилганидан эмас, унинг асарларини тушунадиган одам борлигидан қувонган эди. Илҳомланиб кетган Ван Гог суратларини унга бирма-бир кўрсата бошлайди. Аммо санъатни умуман тушунмайдиган одам тезроқ пулни олиб, бирор суратни беришни талаб қилади. Ички сезги билан биладики, бу одамни акаси юборган. Уни қувиб солади. Барибир ўз устида қаттиқ ишлайди. Бугун бўлмаса, эртага унинг су-

ратларини тушунадиган одам топилишидан умид қиларди.

Ван Гог ўсмирлик ёшида узоқ қариндошининг қизини севиб қолди. Тўғри, бунинг ажабланадиган ери йўқ. Фақат у камбағал эди. Бундан ҳам ачинарлиси, у рассом эди. Ҳали айтиб ўтганимиздай, ўша пайтларда ҳеч ким унинг суратларини ёқтирмасди. Ҳеч ким тушунмасди ва Ван Гог ҳам тушунтириб беришни хоҳламасди. Унинг асарларини тушуниш учун фақат ўткир ақлнинг ўзи кифоя қилмасди. Бир куни Ван Гог қизга севгисини изҳор қилди. Худбин кимсалар эса уни жинни деб ўйлашарди. Шу жумладан қиз ҳам. Ҳатто, бир гал қиз унга ҳазиллашиб «Агар мени севсанг, қўлингни шамга тутиб исботла», дейди. У ҳеч бир иккиланмай қўлини шам алангасида қуйдириб олди. Қизнинг отаси буни кўриб бу уйга қадам босмаслигини айтганида: «Мен нима хато қилдим? Қизингиз севгимга исбот сўради, мен исботладим. Ҳатто, ўлимим билан ҳам бу нарсани исботлашим мумкин. Сабаби, менинг севгим ҳаётимдан ҳам улуғроқ», деб жавоб беради. Унинг учун ҳамма эшиклар тақа-тақ беркилди.

Одамлар уни жиннига чиқаришди. Кўп ўтмай уни жиннихонага ташлашади. Бу ерда унинг эркин ижод қилиши учун шароит мавжуд эди. Тирикчилик, бошпана ташвишларидан ҳоли эди. Бу ерда бутун кун давомида фақат чизарди. Ҳатто кофе ичишга ҳам вақт тополмасди. Кечқурунлари овқатланарди, холос. Жиннихонада ўтган бир йил мобайнида у тинимсиз равишда қуёшнинг турли кўринишларини рангларда акс эттиришга ҳаракат қилди.

Психологларнинг хулосасига кўра у соғ-саломат, деб топилди ва жиннихонадан озод қилинди. Лекин кўп ўтмай Ван Гог 33 ёшида ўз жонига қасд қилди. У ўлимидан олдин акасига хат қолдириб кетган эди. Унда «Мен бу суратларни чизишни хоҳлагандим. Мен уларни чиздим. Фақат сендан



илтимос, менинг ўлимимни «ўз жонига қасд қилиш» деб тушунмагин. Яшаш учун ҳеч бир маъно қолмади. Мен атрофингда яшаётган оломоннинг бир бўлаги эмасман. Уларда мақсад кўрмадим...»

Санъат оламининг буюк намояндаси Ван Гогнинг ҳаёти шу тариқа хотима топди. Шуниси ажабланарлики, тириклигида унинг яратган биронта асари сотилмади. У ўз кундаликларида бундай ёзади: «Мен одамларни тушуна оламан. Агар одамлар мен яратган асарларимнинг гўзаллигини кўра олмасалар уларда нима айб? Улар нима ҳам қила оларди ёки тушунишлари учун мен нима қила олардим? Мен фақат шу нарсани биламанки, суратлар сотиш учун эмас. Қолгани уларнинг муаммоси...»

«Мен дунёга эрта келибман. Менинг суратларим, уларни тушунадиган инсонлар келгунча кутишга мажбур. Балки улар келганда менинг суратларим йўқолиб кетар...»

Унинг суратлари йўқолиб кетмади. Бугунга келиб унинг 200 га яқин суратлари сақланиб қолди. Орадан бир аср ўтгандан сўнг Ван Гог суратлари ўз қадр-қимматини топа бошлади. Ҳатто, унинг «Атиргул» сурати бундан бир неча йил олдин 40 миллион АҚШ долларига сотилди. Шунча йил ўтгандан кейин унинг суратлари қидирила бошланди.

■ Юнус БЎРОНОВ

ЖУРНАЛ ЯНГИ ТАЛҚИНДА

Миллий матбуот марказида ҳам шаклан ҳам мазмунан янги талқинда нашр этилган «Гулистон» журналининг тақдимоти ўтказилди.

— Ўтган асрнинг 30-йилларида, кейинчалик 60-йиллар охирида «Гулистон» шундай салоҳиятга эга эдики, ижодкорларнинг нуфузи журналда қай даражада иштирок этиши билан белгиланар эди, — деди ЎзМУ доценти Улуғбек Долимов **«Туркистон-пресс» мухбирига**. — У халқимиз маънавияти тарихида ўзига хос аҳамият касб этган журналдир. «Гулистон» Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ойлик журнали сифатида қарийб саксон йиллик даврни босиб ўтди. Журнал 1925 йилдан «Ер юзи» кейинчалик «Машъал» номлари билан фаолият кўрсатди. Журнал «Ер юзи» номи билан фаолият кўрсатган йилларда Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий каби ижодкорларнинг асарлари мунтазам нашр этилиб турди. Журнал кўп йиллар давомида Ватанимиз ҳаётида кечган қанчадан-қанча муҳим воқеаларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлди.

— 1920 йилларда адабиётнинг нурли оламига кириб келган Ойбек, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун каби шиор ва носирларнинг илк асарлари шу журнал орқали дунё юзини кўрди. Журналнинг фаолияти ҳамма вақт ҳам нурли, равон, силлиқ кечмади. Тазйиқлар, қатағонлар ўз таъсирини кўрсатди. Бироқ ҳар қандай вазиятда ҳам журнал ҳаётимиз кўзгуси вазифасини бажарди ва бундан кейин ҳам шундай бўлади, — деди журналнинг бош муҳаррири Азим Суюн.

— Бундан кейинги сонлари қай даражада юксак бўлиши муаллифларга боғлиқ, — деди тадбирда сўзга чиққан Абдулла Орипов. — Ҳозир нашрлар ниҳоятда кўпайиб кетди. «Гулистон»дай нуфузли журналнинг мақсад ва вазифалари аниқлиги учун ҳам бундан мустаснодир.

ҲАЙРАТЛАРГА БОЙ ЧЕМПИОНАТ

Чорак финалда майдонга тушадиган жамоалар: АНГЛИЯ —БРАЗИЛИЯ, ГЕРМАНИЯ — АҚШ, ИСПАНИЯ — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, СЕНЕГАЛ — ТУРКИЯ

Жаҳон чемпионати ўйинлари якунланишига саноқли кунлар қолаяпти. Аммо ким чемпион бўлишини башорат қилишга мана-ман деган футбол билағонларининг ҳам юраги дов бермаяпти. Сабаби, ФИФА президенти Й.Блаттер таъбири билан айтганда, Осиё ва Африка футболини ривожлантириш йўлида қилинаётган ҳаракатлар ўз самарасини бераётган кўринади. ФИФА вице-президенти Чун Мон Жуннинг чемпионат финалида Корея ва Япония жамоалари майдонга тушадилар, деган тахминида ҳам жон борлигига ишонч ҳосил қилдик. Тўғри, бу икки жамоадан бири чорак финалга чиқолмай қолди. Лекин эртага бошланадиган чорак финал баҳсларида Сенегал, Жанубий Корея ва Туркия футболчиларининг иштирок этиши чемпионат кутилмаган воқеаларга бой бўлаётганини кўрсатиб турибди. Ҳатто, АҚШ жамоаси тақдири гуруҳ ўйинларидаёқ ҳал бўлади, деган мулоҳазалар бор эди. Миллионлаб ишқибозлар умид боғлаган Франция, Дания, Аргентина, Португалия, Ирландия, Швеция, Мексика, Уругвай, Италия, Бельгия, қолаверса, Хорватия ва Россия каби жамоаларнинг чемпионат билан бунчалик эрта хайрлашишини ким ўйлабди, дейсиз.

Маълумки, Осиёдан тўрт жамоа чемпионатда қатнашди. Хитой ва Саудия Арабистони футболчилари эртароқ майдонни тарк этишган бўлса, Япония ва Жанубий Корея вакиллари Осиёда ҳам футбол

ривожланаётганини амалда кўрсатишди. Футбол байрамида илк марта қатнашаётган Сенегал жамоаси мусобақа бошидаёқ кўпчилик эътиборини тортди. Шунингдек, чемпионатда бор-йўғи иккинчи марта иштирок этаётган Туркия футболчиларининг маҳорати ҳам ишқибозларни ҳайратга солмоқда. Чорак финал иштирокчиларидан тўрттаси номдор жамоалар. Айтайлик, Бразилия, Германия, Англия, Испания футболчиларини мухлислар яхши билишади. Қолган тўрт жамоани эса чемпионат кашфиёти, десак бўлади.

Бугун Туркияда катта байрам. Турк футболчилари Япония жамоаси билан бўлган кескин учрашувда ғолиб чиқишди. Учрашувнинг 10-дақиқасида Умит Давала киритган ягона тўп ўйин тақдирини ҳал қилди. Жанубий Корея — Италия учрашуви гўё финалга айланди, десак муболаға бўлмас. Ўйин бошида пенальти белгиланди. Лекин корейс футболчисининг зарбини италян дарвозабони Буффон қайтара олди. 18-дақиқага борганда, бош билан уриш устаси Вьери ҳисобни 0:1 қилди. Иккинчи таймнинг сўнгги дақиқаларида майдон эгаларидан Сел Ки Хьюн ҳисобни тенглаштирди. Қўшимча вақтда эса «олтин» тўп соҳиби бўлиш Ан Жун Хвалга насиб этди. Шундай қилиб, Жанубий Корея футболчилари 2:1 ҳисобида ғолиб бўлиб чорак финалга чиқишди. Энди ярим финалга йўлланма олиш кимларга насиб этаркин? Буни вақт кўрсатади.

■ Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ

«ОҚҚУШ КЎЛИ» БАЛЕТИ ТУРКИЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Бугун Ўзбекистон театр санъати усталари ижросидаги «Оққуш кўли» балети Туркиянинг машҳур қадимий шаҳарларида намойиш этила бошланади.

Бу асар ижросида Алишер Навоий номидаги Давлат Катта академик театрининг артистлари ва Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг ўқувчилари иштирок этадилар.

Театр бош балетмейстери, Ўзбекистон халқ артисти, гастрол раҳбари Иброҳим Юсупов бундай деди:

— Биз бу сафарга катта масъулият ва зўр қувонч билан ҳозирлик кўрдик. Чунки, қардош Туркия мамлакатида биринчи бор театр балет санъатини намойиш этиш шарафига муяссар бўлиш арафасидамиз. Биз тайёрлаган «Оққуш кўли» балети Измир, Бурса ва Анталия шаҳарларида тўрт марта намойиш этилади. Биргина Анталия шаҳрида қадимги румо меъморчилиги услубида қурилган 20 минг томошабин ўринли очиқ театрда ноёб саҳна асарини ижро этиш ўзига хос имтиҳондир. Сафарда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тамилла Муҳаммедова, Вадим Геллертов, Нозима Умарова, артист Гулнора Соатқулова ва бошқалар қатнашадилар.

Мамлакатимиз театр санъатининг фахри бўлиб қолган «Оққуш кўли» балети аввал Малайзия, Сингапур, Таиланд, Ҳиндистон ва Японияда зўр муваффақият билан кўрсатилган эди.

■ Абдулла ПЎЛАТОВ

Суратда: артистлар В.Геллертов ва Г.Соатқулова.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти фалсафа фанлари номзоди Собир Мунавваровга волидаи муҳтарамаси

ҚУЛДУЗХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор қилади.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жамоаси нашриёт ходимаси Мавлуда Ломановага онаси

ГУЛЬМИНКА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ҲУРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«АСАКА» БАНКИ

СИЗГА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

«Асака» банки пластик карточкалари — бу: ишончли, нуфузли, қулай ва фойдали.

Сўм карточкаларимизга товарлар ёки хизматларга тўлов ёки нақд пул олиш учун сиз ўзингизга қулай бўлган вақтда республикамиздаги савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида, Europay (Master Capd) халқаро карточкалар орқали жаҳондаги ҳар қандай мамлакатда туриб тўловни ёки валюта олишни амалга оширишингиз мумкин.

Сизнинг пластик карточкаларингиздаги қолдиқ маблағларингизга даромад қўшилади.

Банкимизнинг ўзига хос томони шундаки, юксак малакали мутахассисларимиз мижозларимизга юқори даражада хизмат кўрсатади ва сиз пластик карточкаларни қисқа вақтда олиш имконига эга бўласиз.

Энг муҳими, «АСАКА» банки омонатларингизнинг тўла сақланишини ва махфийлигини кафолатлайди.

«АСАКА» БАНКИ КАРТОЧКАЛАРИ БУ ЯНГИ БИР ДУНЁ!

Пластик карточкаларни олиш бўйича банк филиалларига мурожаат қилинг; Тел: 120-81-79, 120-82-75, 120-83-09, 120-83-32, 120-83-14, 120-83-91, 120-84-08, 120-81-98, 120-84-23.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Abdumalik BOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 471

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 4.30

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA